

Абу-Дабидаги масжидларга саёҳат



10:30 / 25.12.2019 1398

Бирлашган Араб Амирликлари пойтахтида «Масжидга саёҳат» деб номланган янги экскурсия бошланди. Бу ҳақда unian.net га таяниб, iqna манбаси хабар беради.

Туризм ва маданият қўмитасининг ташаббуси билан меҳмонлар Абу-Дабидаги бешта тарихий биноларга ташриф буюриш имкониятига эга бўладилар.

Сафар дастурига бешта муҳим масжид киритилган. Улар Шайх Султон ибн Зайд биринчи масжид, Ал-Марина туманидаги Ал Карим масжиди, Рим оролидаги Ал-Азиз масжиди, Ал Холидиядаги Шайх Зайд II масжиди, шунингдек Ал-Мушриф ҳудудидаги Исонинг онаси Марям масжидларидир.

Сайёҳлар масжидларга ташриф буюриш жараёнида одоб-ахлоқ қоидалари, Ислом дини ва қадимий бинолар билан танишишлари мумкин. Бундан ташқари, уларга масжидларнинг тарихи ҳақида ҳам маълумот берилади.

Islom.uz портали таҳририяти